



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O'zbekiston bunyodkori

№34-35 (987-988)
2026 йил 8 май, жума

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Строитель Узбекистана

9 МАЙ Хотира ва қадрлаш кўни

Юртимизда инсон қадр, тарихий хотира ва авлодлар давомийлигини улуғлайдиган, қалбларнинг энг нозик торларини чертиб, ҳар биримизни ўйга толдирадиган муқаддас сана – 9 май кенг нишонланади.



Уни қорақалпоқ халқи яхши хотира билан эслайди

Оролбўйи минтақасида яшовчи кўпни кўрган нурунийлар Жолдасбай Суёновни яхши хотиралар билан эслашади. Унинг бошчилигида қурилган кўп қаватли турар жойлар, маданий ва маъмурий бинолар, кўчалару йўллар орадан йиллар ўтсада, ўз кўркини йўқотмаган, худди яқинда қурилгандек туман ва шаҳарларга гўзаллик бағишлаб турибди.

Жолдасбай Суёновни Қорақалпоғистон Республикасидаги кўп қаватли қурувчиларнинг устози, дейишга асос бор. Бунёдкорлик ишларини амалга ошириб, юрт ободончилигига ҳисса қўшиш унга ота мерос касб эди. Падали бузуқворуи сув хўжалиги ва мелiorация соҳасида кўп йиллар меҳнат қилиб, минтақадаги бўз ерларни сув билан таъминлаб, агросаноат мажмуини ривожлантиришда фаол қатнашган фидойи инсонлардан бири бўлган.

У киши баъзан кичкина Жолдасбайни қўлига олиб: – Онаси, бўладиган бола бошидан маълум, дейишди-ку. Шу ўғлимиз жуда ҳаракатчан кўринади, насиб қилса, улгайгач яхшигина қурувчи бўлса керак, – дерди.

Бироқ бу кўнларни кўриш унга насиб этмади. Жолдасбай тўрт ёшга тўлганда отаси оламдан ўтди. Боз устига, Иккинчи жаҳон уруши бошланган, қаҳатчилик авжига чиққан давр эди. Оғир шароитга қарамай, онаси Салима опа турмуш ўртоғининг ниятини рўёбга чиқаришга астойдил киришди. У Нукус тумани партия қўми-

тасининг хотин-қизлар билан ишлаш бўлими бошлиғи сифатида кундуз кўнлари дала меҳнат-кашларига бош-қош бўлиб, фронтдагилар учун озиқ-овқат маҳсулотлари етказишга ҳаракат қилди. Кечалари эса Жолдасбайга китоблар ўқиб бериб, улгайганда отаси орзу қилган касб-ни эгаллашга замин яратди.

Йиллар ўтгани сари Жолдасбай ҳам улгайди. Мактабда ўқиш билан бирга, онасига ҳам кўмаклашди, қурилиш объектларида қурувчиларга гишт, тош ташиш ва тозалаш ишларида ёрдамлашди. Шу билан бирга, буювчилик соҳасининг аҳамияти ҳамда унинг истиқболларини ҳам ўзлаштирди. Чизмачилик дарси эса устози ва қурувчилардан ўрганганларини умумлаштириб, мустахкамлашга имкон яратди. Бунёдкорлик соҳасига чин дилдан ихлос қўйгани сабабли Тошкент политехника институтининг Саноат фўқаролик қурилиш факультетида ўқишга кирди.

Унинг диплом иши шаҳарсозлик схемасини яратишга қаратилган бўлиб, 20 йилдан сўнг, яъни 70-80-йилларга келиб, Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий маркази, Нукус шаҳри қандай кўринишга эга бўлиши кераклигини амалда ўз тасаввурдаги лойиҳалар билан асослаб бериши лозим эди. Бу иш осон кечмаслиги, минглаб аҳоли яшаётган худуднинг келажаги ва тараққиётини таъминлашга ҳисса қўшиши лозимлигини чуқур ҳис этган Жолдасбай дастлаб шаҳар қандай ҳолда бўлса, шундайлигича ўрганиб чиқди. 2-3 қаватли бир неча уйлари ҳисобга олманганда паллапартиш қурилган хонадонлар, ўнқир-чўнқир кўчалар шаҳар номига мос эмасди. Кўрган ва ўрганганлари асосида шаҳарсозлик талабига мос келадиган бир неча лойиҳаларни чизгач, диплом ишини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Таъкидлаш жоизки, кейинчалик у тайёрлаган лойиҳалар асосида Нукус ва Тахياتош шаҳарларида кўп қаватли турар жойлар, маъмурий бинолар, кўча ҳамда маиший объектлар бунёд этилди.

Институтни тугатгач, “Ўзгипроовулкурилиш” бошқармасининг Нукус филиалида муҳандис вазифасида фаолият бошлади. Айни шу кезлари минтақада бунёдкорлик ишлари авжига чиққан, кадрлар масаласи эса муаммо эди. Қорақалпоғистон Республикасининг 1970 йиллардаги раҳбарияти ёш ходимнинг ишчанлиги ва шижоатини эътиборга олиб, уни турли ташкилотларга, турли вазифаларга юборди.

Оролбўйи минтақасида бунёдкорлик ишларини амалга ошириб, инсонларга наф келтиришни ўз бурчи деб билган Жолдасбай Суёновнинг ибратли ишлари кўп. У худуд саноати, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, маданият, таълим, тиббиёт ва бошқа соҳалардаги йирик объектлар қурилишига бевосита раҳбарлик қилиб, уларнинг ўз вақтида ва сифатли барпо этилишига катта ҳисса қўшди.

У нафақат яхши қурувчи, балки жонқуяр устоз ҳам. Фаолияти давомида 50 дан ортиқ шогирдини тайёрлаган ва айни пайтда улар ҳам бунёдкорлик соҳасида меҳнат қилишмоқда. Унинг хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. Бир неча бор Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгашига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутат этиб сайланган.

Жолдасбай Суёнов узоқ яшамади, бироқ у амалга оширган бунёдкорлик ишлари асрларни асрларга боғлашга хизмат қилмоқда. Шoir айтганидек, “Одамлар бор, тиргитида ўлиқдир, одамлар бор, ўлганда ҳам тиркидир...”.

Кексаларга эҳтиром – юксак қадрият

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 апрелдаги “9 май – Хотира ва қадрлаш кўнига тайёрларлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида мамлакатимиз бўйлаб уруш ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, ҳаёт шароитини яхшилашга қаратилган эзгу ишлар кенг қўлоч ёймоқда. Бу эътибор ва ғамхўрлик “Инсон қадрини учун” деган улуг тамойилнинг ҳаётий ифодаси, халқ ва давлат ўртасидаги мустақкам ишонч кўприғидир.

Жиззах вилоятининг Бахмал туманидаги Истиклол маҳалласида яшовчи фронт орти меҳнат фахрийси, “Дўстлик” ордени соҳиби Бозор бобо Раҳимов сал кам бир асрлик умр манзилига етиб келмоқда. У кишининг хонадонига қилинган ташриф оддий ҳол-аҳвол сўраш эмас, балки ўтмишнинг тирик гувоҳи билан юзма-юз суҳбат, тарих билан самимий мулоқотдек мазмун касб этди. Маҳалла ёшлар етакчилари ва фаол ёшлар иштирокида ўтган учрашув самимий, эҳтиром ва ибрат руҳи билан йўғрилди.

Учрашув чоғида Бозор бобо уруш йилларининг юракни титратар манзараларини, орқа фронтдаги тоқатни синовдан ўтказган машаққатли меҳнатни, очарчилик ва танқисликнинг аччиқ таъмини, ҳар бир хонадондан фронтга кузатишган ўғлонлар тақдирини тўқинлиниб сўзлаб берди. Унинг ҳар бир гапи бир даврнинг оғрини, ҳар бир хотираси бир авлоднинг матонатни эди.

– Уша йиллар жуда оғир эди... Зоғора нонни ҳам топиш мушкул, кўпинча кепак атала билан кун ўтказганмиз. Лекин шунда ҳам кекса отахон ва онахонларимиз риққ эмас, тинчлик сўраб дуо қиларди. Бугунги дорилмомон кўнлар – ана шу дуоларнинг ижобати. Юртбошимиз биз кексаларни унутмай, эъзозлаб, ҳолимиздан хабар олаётгани қалбимизга илиқлик бағишлайди. Илоҳим, юртимиз осмони мусадфо, халқимиз тинч бўлсин, – дея кўзлари намланиб дуо қилди Бозор бобо Ўза муҳбири Абдуҷалол Қаюмов билан суҳбат чоғида.

Бу каби учрашувлар миллат хотирасини уйғотувчи, виждонини чархловчи маънавий сабоқдир. Чунки кексалар тирик тарих, уларнинг ҳаёти эса китобларга сикмас ҳақиқат, синов ва сабоқдир. Уларни эъзозлаш кечяги кўнга эҳтиром, бугунга садоқат ва эртанги келажакка мустақкам пойдевор қўйиш демакдир.

Зеро хотирани асраган, ўтмишини унутмаган, кексаларини қадрлаган миллатнинг келажаги ҳаминша нури, иродаси мустақкам ва қадами собит бўлади.



uzbunyodkor.uz

info@uzbunyodkor.uz

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkor

qurilish.today



Абдусами ХАҚБЕРДИЕВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бурч, жасорат, матонат!

Бунёдкорликда ҳам барчага ўрнатилган



Оқдарё туманидаги Янгиқўрғон шаҳарчасида истиқомат қилиб келаётган Исроиловлар сулоласи Самарқанд вилоятида ўз хурмати ва қадрини топган. Ушбу қадим шаҳарча тарихи узоқ минг йилларга бориб тақалади. Олиму уламолари, шоирлари, беклари ва полвонлари билан қадимдан машҳур. Шаҳарча аҳолисининг ўзига хос хусусияти бошқалар билан танишганда ўзини "янгиқўрғонлик", деб ғурурланишидир.

Ҳамза ШУКУРОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Бугун шаҳарчада аждодлари кўп йиллардан буён истиқомат қилиб, ўз тарихи ва шўхратига эга бўлган Исроиловлар сулоласининг яқин ўтмишида забардаст вакили, замондошимиз Жамол Исроилов ва унинг ибратли ишлари, ҳаёти ва кечинмалари тўғрисида имкон қадар хикоя қиламиз.

1970 йил Оқдарё туманидаги Мирзо Улуғбек номи 2-ўрта мактаб битирувчилари орасида Жамол Исроилов энг ёши эди. У ҳаётидаги мақсади эришиш учун Самарқанд давлат университетининг физика факультетига ўқишга кирди. Университетни тугатиб, илмий-педагогик фаолиятини бошлаган ва мақсади физика йўналишида илмий тадқиқот олиб бориш бўлган 25 ёшли Жамол Исроиловнинг тақдирига падари бузруквори Иброҳим отанинг (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) тўсатдан юрак хуружидан 50 ёшида ҳаётдан кўз юмуши ўз ҳукмини ўтказди. Табиийки, бутун оила аъзолари ва қариндошлари бу айрилиқ туфайли чуқур қайғуга ботишди, ўзларини ҳаётда бутунлай чорасиз қолгандек ҳис этишди. Аммо оғир мусибатлар, ҳаёт машаққатлари уни танлаган йўлидан қайтара олмади.

Жамол Исроилов ёш авлодга таълим-тарбия бериш жараёнида талабалик даврида бошланган илмий ишларини давом эттиришга вақт ажратга олди. Диссертация мавзусини давр руҳига мос ҳолда танлаган. Тинимсиз изланишлари туфайли 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида "Тадбиркорлик субъектлари фаолияти самаралорлиги таҳлилини такомиллаштириш" мавзусида иқтисод фанлари бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади. У ўзи ўқиган мактабга раҳбарлик қилиш билан бирга, Самарқанд давлат иқтисодий ва сервис институтида доцент лавозимида талабаларга "Иқтисодий таҳлил назарияси" фанларидан маъруза машғулотлари олиб борган. Илмий-педагогик фаолияти давомида 2 та дарслиги, 7 та ўқув қўлланмаси, 30 дан ортиқ илмий рисола, монография ҳамда мақолалари чоп этилган. Ушбу ўқув адабиётлари ҳозир ҳам республика-миё олий таълим муассасаларида дарслик сифатида ўқитилмоқда.

Асосий мақсад – халқ фаровонлиги

1994-1998 йилларда Оқдарё туманида қишлоқларни газлаштириш ишларига бошчилиқ қилган. Жамоатчилик асосида хайрли ишлари билан халқ олқишига сазовор бўлган. 1999 йилда Оқдарё халқи унга юксак ишонч билдирди. Унинг номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига тавсия этилди. Сайлов муқобиллик асосида ўтди. У тўрт номзод ўртасида ғолиб бўлди. Шу йил унинг номзоди халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутатлигига ҳам қўйилди.

Жамол Исроилов 2000-2005 йилларда Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати сифатида 100 дан ортиқ қонунларни ишлаб чиқши ва қабул қилишга фаол иштирок этди. Ўзи депутатликка сайланган округ сайловчилари билан учрашиб, улардан тушган тақлифлар асосида иш юритди. Сайловчилар фикрларини эътибор билан эшитди, мавжуд муаммолар ечими йўлида билим ва тажрибасини, ғайрат ва шижоатини аямади.

Ўша йилларда Жамол ака депутат сифатидагина эмас, ажойиб дўст сифатида ҳам Олий Мажлисдагилар эътиборига тушди. У республиканинг турли ҳудудларидан дўстлар орттирди. Улар билан халқ ташвиши, муаммолари ечими йўлида ҳамкорликда ишлашга ҳаракат қилди. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлиги борасида ҳам эътиборли ишларни амалга оширди. Илмий-педагогик фаолияти давомида Жамол Исроилов кўплаб ёшларга устозлик қилган. Ҳозирги кунда унинг бир қанча шогирдлари республикамиз ҳамда дунёнинг АҚШ, Англия, Канада, Япония, Франция ва Германия каби давлатларида фаолият олиб боришмоқда.

Жамол Исроилов илмий-педагогик фаолият билан бирга тадбиркорликни ҳам йўлга қўйган. Тадбиркорлик фаолияти даврида бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларига жиддий эътибор қаратган. Жумладан, Самарқанд шаҳри Регистон майдонини қайта қуриш, Рудакий боғини барпо этиш, Оқдарё, Иштихон, Каттакўрғон, Қўшработ, Ургут, Пастдаргом, Нуробод, Жомбой, Пайариқ туманларидаги 100 дан ортиқ ижтимоий соҳа объектлари қурилиши ҳамда таъмирланишига раҳбарлик қилган.

Унинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти ибратлидир. Лекин ҳаёт ҳеч қачон инсон учун раво йўллар, битмас-туганмас гўзалликлар, ниҳоясиз хурсандликлардан иборат эмас. Шодлик ва қайғу, лаззат ва изтироб доимо ёнма-ён. Умр аталмиш улғу неъмат абадий эмас, четлаб ўтмайди ҳам. Исроиловлар ҳам ҳаётининг шундай синовига дуч келишди. Чуқур билими, сиёсий жабҳадаги иштироки, филокорона меҳнати, тадбиркорлиги, жиддий ҳаракатлари, саҳий қалби туфайли туманда эмас, бутун мамлакатда танилиб улғурган Жамол Исроиловда 2020 йилнинг 18 июлида тўсатдан юрак хуружи бошланди. 10 соат атрофида давом этган дард бу ажойиб инсонини орамиздан олиб кетди.

Оила аъзоларининг бошига тушган қайғу-алам уларни ўтмиш хотираларига етаклади. Олий ҳақда камтарин бир инсон сифатида яшаб ўтган, аммо жуда кўплаб эзгу ишларни бажаришга улғурган, салоҳиятли сиёсатчи, билмдон маорифчи, тадбирли тадбиркор сифатида танилган Жамол аканинг ҳаёт йўлини авлодларга намуна қилиб кўрсатишга қарор қилишди.

Жамол аканинг ҳаёт йўли ва фаолияти жуда оқдодий, – деди Оқдарёнинг таниқли тадбиркори Шарофжон Исроилов. – У эришяётган ютуқлари билан ғурурланишни, мақтанишни, ўзини бошқалардан устун қўйишни ҳушмасди. Шу сабаб, ишлари юришиб кетса-да, молиявий имкониятлари анча яхшиланган бўлса-да, ўзини реклама қилмади, янорларга, кам таъминланганларга, хасталарга улашган хайр-эҳсонлари ҳақида гапирмади, ночорларга, кам тармоқларга жойлаштирмади, газета-журналлар, телевидение ёки радио орқали чиқишлар қилмади, одамлар ўртасида мақтанмади. Лекин ким бўлишидан қатъий назар, ёрдам сўраб келган инсонлар ва муҳтожларга қўлидан келган ёрдамни аямади.

Ж. Исроиловнинг Олий Мажлисдаги дади чиқишларини, Оқдарё туманидаги 2-ўрта мактабга раҳбарлик қилган йилларини, махсус иқтидорли болалар мактаб-интернати ташкил этганини ва унга мохирлик билан раҳбарлик қилганини, интернат-мактаб ва ўрта мактаб ҳудудидан сўним бог яратганини одамлар яхши эслашади. Мазкур таълим муассасалари ўқитувчи ва ўқувчиларнинг қўлга киритган ва киритяётган муваффақиятлари, олий ўқув юртидаги меҳнат фаолияти, тадбиркорлик борасидаги ишлари, хуллас, барча-барчасида сезиларли ўрни бўганини эътироф этишди.

Унинг таълим, қурилиш, ободонлаштириш, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларда шогирдлари кўп эканини алоҳида таъкидлаш керак. Бирга ишлаган дўстлари, сафдошлари эса устознинг эътиборли жиҳатларини тилга олишдан чарчамайди.

Ташкилотчи ИНСОН ЭДИ

Кўхна Самарқанднинг Регистон майдони билан Бибиҳоним масжидини боғловчи Ислон Каримов номли кўчада яшовчилар Қиличевлар ҳонадонини яхши билишади. Чунки бу уйда умрини Самарқанддаги тарихий обидаларни муҳофаза қилишга бағишлаган Рауфжон Қиличев туғилиб ўсган.

Хонкул САМАРОВ,
Самарқанддаги Регистон ансамблини таъмирлаш ва ундан фойдаланиш дирекцияси директори, иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори.

Рауфжон Қиличев 1951 йилнинг 12 апрелида таваллуд топган. Урта мактабни битиргач, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида тахсил олди. Олийгоҳни тугатган Рауфжон дастлаб илмий-лойиҳалаштириш институтида лойиҳачи-муҳандис, кейинчалик вилоят тарихий обидаларини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш бўлими раҳбари бўлиб ишлади. Унинг раҳбарлигида Регистон майдонидаги Тиллакори мадрасасининг пештоқи, ундаги масжид гумбази тикланди. Регистон ансамбли, Шоҳи Зинда мажмуаси, Амир Темур макбараси,

Бибиҳоним масжидларида ҳам меҳмонларни қабул қилиш ва уларга сервис хизматлари кўрсатиш учун шароит яратишда жонбозлик кўрсатди.

Р. Қиличев ташкилотчилигида илк бора Регистон майдонида "Мен Регистон – Самарқанднинг юрагиман" номли рангли-оволи панорама дастури ишлаб-чиқилиб, хорижий сайёҳ ва меҳмонларга намойиш этилди. 1978 йилда халқаро "Шашмақом" мусика фестивали доирасида "Нодир кўлэма китоблар", "Шарқ мусика асбоблари" кўргазмалари ташкил этилди. 1982 йилда у янги ташкил этилган музей-қўриқхона бош директори ўринбосари лавозимига тайинлангач, вилоятдаги музейлар ва маданий мерос объектларини ҳисобга олиш, уларни муҳофаза қилиш, таъмирлаш-тиклаш, консервация қилиш, тарихий обидалар атрофини ободонлаштириш, туризмни ривожлантириш, халқаро маданий алоқаларни йўлга қўйиш ишлари янги босқичга кўтарилди. Тиллакори мадрасасида Самарқанд тарихий обидаларини муҳофаза қилиш ва таъмирлаш тарихи музейи, Ҳазрати Хизр масжидида Тоштарошлик санъати музейи, Шердор мадраса талабаси яшаш шароити интерьерлари ташкил этилди.

1987 йилда у Самарқанд илмий ишлаб чиқариш ва таъмирлаш корхонасининг раҳбари этиб тайинлангач, корхонани қайта тиклаб, ишлаб-чиқариш қувватини янада оширди. Корхонанинг таъмирловчи усталари ва муҳандислари нафақат республикада, балки хорижий давлатлардаги тарихий осори-атиқаларни таъмирлаш ва тиклаш ишларида ҳам фаол иштирок этди. Сирли қошинлар ишлаб чиқарадиган цех-лаборатория Марказий Осиёда ягона бўл-



ган ўзига хос корхонага айланди. Бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳозирги кунда кўплаб тарихий обидаларни безаб турибди.

Регистон ансамбли негизда ташкил этилган дирекцияга Рауфжон Қиличев раҳбар бўлгач, Мирзо Улуғбек мадрасасининг иккинчи қаватини тиклаш ишларига бошчилиқ қилди. У туризмни ривожлантириш, меҳмонлар ва сайёҳларга хизмат кўрсатиш мақсадида турли сервис хизматлари ташкил этишда бош-қош бўлди. 2005 йилда 55 ёшида оламдан ўтган Рауфжон Қиличев ҳаёт бўлганида бу йил 75 баҳорини қаршилаган бўларди.

Унинг руҳи у таъмирлашда иштирок этган тарихий обидалар, шогирдлари, 4 нафар фарзанди ва набиралари, ёру дўстлари хотирасида абадий сақланиб қолади.



Эзгу фазилатлар соҳиби

9 май – Хотира ва қадрлаш куни арафасида инсон умрининг асл мазмуни, унинг жамият ва келажак олдидаги ўрни ҳақида беихтиёр чуқур ўйга толамиз. Бу сана қалбимизда фақат тарих саҳифаларини варақлаш эмас, балки ўтмиш ва бугунни туташтирувчи маънавий кўприк сифатида ҳам намоён бўлади.

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Одатда бу кунда уруш қатнашчилари, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган инсонлар хотираси эъзозланади. Аммо ҳаётнинг яна бир муҳим ҳақиқатини унутмаслик керак: тинчлик даврида ҳам ўз умрини халқ тараққиётига бағишлаган, илм ва меҳнат орқали жамият равнақига ҳисса қўшган инсонлар бор. Уларнинг хизматлари ҳам, аслида, миллатнинг эртанги кунини барпо этишда беқисса аҳамият касб этади.

Ана шундай фидойи ва сермазун ҳаёт эгаларидан бири – техника фанлари номзоди, профессор Садриддин Сайфиддиновдир. Унинг ҳаёт йўли ва меҳнат фаолияти нафақат бир инсон тақдирининг ифодаси, балки бутун бир даврнинг илмий-маърифий тараққиётини акс эттирувчи ёрқин мисолдир. У ўз умрини қурилиш соҳаси, илм-фан ва ёш авлоднинг тарбиялашга бағишлаб, жамият ривожига сезиларли ҳисса қўшган инсон сифатида эътироф этилади.

Илмдан бошланган йўл

Садриддин Сайфиддинов 1951 йил 6 октябрда Наманган вилоятининг Уйчи туманида дунёга келган. Унинг ҳаёт йўли кўпчиликка ибрат бўладиган даражада оддий ва мазмунлидир. У илк меҳнат фаолиятини колхозларро қурилиш бўлимида ишчи сифатида бошлаган. Айнан шу босқич унинг характери, меҳнатсеварлиги ва ҳаётга бўлган жиддий муносабатини шакллантирган. Чунки инсоннинг келажакдаги ютуқлари кўпичинча унинг қандай шароитда, қандай меҳнат билан йўл бошлаганига бевосита боғлиқ. Шу маънода, унинг ҳаёт йўли бугунги ёшлар учун буюклик баланд минбарлардан эмас, балки оддий, ҳалол меҳнатдан бошланади, деган хулосани беради.

1969-1974 йилларда Тошкент политехника институтида тахсил олган ёш мутахассис ўзининг билимга чанқоқлиги, изланишга бўлган интилиши билан ажралиб туради. Талабалик йиллари унинг ҳаётида нафақат касбий билимларни эгаллаш, балки илмий тафаккур шаклланишининг ҳам муҳим босқичига айланади. Ўқиниш тамомлагач, у илмий йўлни танлаб, аспирантура босқичига киради ва илмий фаолиятини бошлайди. Шундан сўнг, илмий изланишлар, педагогик фаолият ва амалий тажриба унинг ҳаётида бир-бирини тўлдирувчи, узвий боғлиқ жараён сифатида давом этади.

Унинг фаолиятида илм ва амалиёт уйғунлиги алоҳида аҳамият касб этган. Устоз нафақат назарий билимлар билан шугулланади, балки уларни амалиётга таъбиқ этиш орқали қурилиш соҳаси ривожига ҳам ўз ҳиссасини қўшади. Шу жиҳатдан, унинг ҳаёт йўли илм-фанга садоқат, меҳнатга масъулият ва узулкис изланишнинг ёрқин намунаси сифатида намоён бўлади.

Устозлик ва етакчилик

Садриддин Сайфиддиновнинг фаолияти фақат илмий изланишлар билан чегараланиб қолмаган, балки у ўзини етук педагог ва моҳир ташкилотчи сифатида ҳам намоён этган. У узоқ йиллар давомида Тошкент архитектура-қурилиш институтида турли факультет ва кафедра-ларда самарали фаолият юритиб, юзлаб талабалар учун нафақат билим манбаи, балки ҳаётий йўл кўрсатувчи устозга айланган. Унинг дарсларидан сабоқ олиб, илмий раҳбарлигида шаклланган кўплаб шогирдлари бугунги кунда мамлакатимизнинг турли соҳаларида муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

У нафақат оддий ўқитувчи сифатида, балки масъулиятли ва юксак салоҳият талаб этувчи лавозимларда ҳам фаол ишлаган, – деди устознинг ҳамкасбларидан бири, Тошкент архитектура-қурилиш университети Қурилиш факультети бино ва иншоотлар кафедраси мудири Шахриддин Бойматов. – У киши турли йилларда кафедра мудири сифатида илмий-педагогик жараённи бошқариш, факультет декани сифатида таълим тизимини ривожлантириш, илмий йўналиш раҳбари сифатида эса янги тадқиқотлар ва илмий мактабларни шакллантиришда муҳим рол ўйнаган. Бу лавозимларнинг ҳар бири чуқур билим, кенг дунёқараш ва юқори даражадаги масъулиятни талаб этади.

Шунингдек, Садриддин Сайфиддинов нафақат ўз соҳасининг етук мутахассиси, балки мустаҳкам кадрларга эга, сермазун оила вакили эди. Унинг ақинлари орасида таълим, муҳандислик ва иқтисод соҳаларида фаолият юритяётган инсонларнинг кўпчилиги бу оилада илм, меҳнат ва масъулият қадрланишини яққол кўрсатади. Бундай муҳитда улғайган инсон учун меҳнатсеварлик ва билимга интилиш табиий ҳолга айланади. Шу боис, устознинг ҳаёти ва фаолиятида ҳам ана шу тарбия ўзлари аниқ сезиллади. У бу қадрларнинг нафақат ўз фарзандларида, балки кўплаб шогирдларига ҳам синдира олди.

Ҳамкасблар ва шогирдлар меҳрини қозонган устоз ўтган йили 74 ёшида вафот этди. Бугун жамоадoshiлари уни фақатгина эзгу фазилатлар соҳиби сифатида ёдга олишади.



Инсон қадр

Хотира ва қадрлаш куни бизни фақат тарих саҳифаларига назар ташлаган ундаб қолмайди, балки бугунги кун мезонлари асосида кимни қадрлаётгани, кимларнинг хизматини чин дилдан эътироф этаётгани, деган муҳим саволлар қаршисида ҳам тўхтабди. Бу сана ўтмиш билан бугун ўртасида маънавий боғлиқликни қучайтириб, инсон қадри ва унинг жамият тараққиётидаги ўрнини қайта англашга хизмат қилади.

Агар уруш йилларида қаҳрамонлар юрт озодлиги ва тинчлиги учун жонини фидо қилган бўлса, бугунги тинч ҳаётимизда илм фидойилари ана шу осойишталикни мазмун билан тўлдириб, жамиятнинг ривожлантириш йўлида хизмат қилмоқда. Уларнинг қўлида қурол эмас, балки билим, тафаккур ва бунёдкорлик кучи бор.

Хулоса қилиб айтганда, 9 май арафасида бундай инсонлар ҳақида ёзиш – бу шунчаки хотира учун битилган сатрлар эмас. Бу ўтган умрларни қадрлаш, уларнинг хизматларини тан олиш ва энг муҳими, у бошлаган эзгу йўлни давом эттиришга бўлган ички давъатдир. Чунки хотира тирик бўлса, қадриятлар ҳам яшайди, авлодлар ўртасидаги маънавий ришта узилмайди.

Шундай экан, Хотира ва қадрлаш куни ҳар биримиз учун нафақат ўтмишни эслаш, балки келажак олдидаги масъулиятимизни ҳис қилиш, ўз ҳаётимизни мазмунли ва фойдали қилишга ундовчи муҳим маънавий мезондир.



Қоғозларда қолган СОҒИНЧ

Дунёда шундай тушунчалар борки, вақтга, ўтаётган даврга бўйсинмайди. Даврдан-даврга кадр баланд бўлиб, қиммати ортаверади. Хотира ва кадр деган тушунчалар азал-азалдан эл-юрт тафаккури, маънавий ҳаётимизнинг ажралмас бир қисми бўлиб келган. Ҳар бир инсон ўзини, ўз юртининг ўтмишини, тарихини билиши, мана шундай тарихни яратилишида баҳоли қудрат ўз хиссасини қўшган инсонларни хотирлаши, қадрлаши ҳам энг гўзал қадриятлардан биридир.

Нодира ПАРСАЕВА,

Жиззах политехника институти
Қурилиш материаллари ва конструкциялари кафедраси доценти.

Инсон умри қисқа, бамисоли куш уйқусидек. Мана шу қисқа умр гоҳида инсон номини мангу порлатида, гоҳида эса, ёниб ўчган шамдек бежиз кетади. Шундай инсонлар борки, ўзларининг улуг ишлари билан ватанига, элига қилган хизмати билан одамлар қалбига абадий қолади. Ҳурмат, эътибор, қадр топади.

Биз эсламоқчи бўлган азиз инсон, ҳурматли устоз – Мастура Искандарова ҳам бутун умрини илм-фан ва маърифатга бахшида этиб, юзлаб қалбларга меҳр-оқибат, инсонийлик уруғини сочган меҳри дарё олималардан бири эди.

Минг афсуслар бўлсинки, мана шундай до-руламон кунларда неча йиллар давомида ўз қалб қўрини ёшларга таълим бериш, илм ула-шиш учун сарф қилган инсон, жонқуяр устоз, мамлакатимизнинг илм-фан соҳасида ўзининг

метин иродаси, кучли илмий салоҳияти билан ўчмас из қолдирган етук олима, техника фанлари доктори, профессор, Россия табиий фанлар академиясининг мухбир аъзоси, "Энергия ва ресурс тежамкор цементлар ҳамда улар асосидаги композицион материаллар кимёвий технологияси" илмий мактабининг асосчиси, 600 га яқин илмий мақола ва маърузалар муаллифи, 3 та маҳаллий ва 1 та Россия патентига эга, 3 та монография, 4 та дарслик ва кўплаб ўқув қўлланмалар яратган техника фанлари доктори, профессор Мастура Искандарова орамизда йўқ.

*Келдим бошингизга алайдо айта,
Ногоҳон кўз ёшдан эгилган мужгон.
Наҳот орамизда бўлмайсиз қайта,
Ҳаммага меҳрибон, эй азиз устоз?*

Мастура опанинг меҳнат фаолиятига назар ташлар эканмиз, бу инсонни беихтиёр халқи-мизнинг етук арбоблари саналмиш Увайсий, Нодирабегим, Қурбонжон додхоҳларнинг во-рисси, дейиш мумкин. Негаки фан, маданият ва адабиётда, давлат бошқаруви, ҳатто ҳарбий са-лоҳиятда ҳам эркакларни лол қолдирган – зукко момоларимизнинг шижоати, билим ва маҳора-ти мужассам эди.

Мастура Искандарова 1948 йил 28 мартда Чимкент вилояти Сайрам тумани Қорамурт қишлоғида туғилган. Ҳар қандай буюклик ҳам оддийликдан бошланади. Етук олима, таниқли жамоат арбоби, фаол илмий раҳбар сифатида хурмат қозонган Мастура Искандарова ҳам бир пайтлар сочларига жамалак таққан, бурро, бий-рон, жавоблари билан устозлари меҳрини қо-зонган аълочи ўқувчи бўлган.

Мактабни тугатгач, 1965 йилда Тошкент политехника институтининг Кимё-технология факультетига ўқишга кирди. Муҳандис-техно-лог дипломини олгач, институт қошидаги аспи-рантурада ўқишни давом эттирди. Ўқиш жара-ёнида мустахкамлиги ўта юқори, тез қотадиған цементларнинг янги турларини яратиш устида илмий изланишлар олиб борди. Изланишлар ўз самарасини берди. У 1981 йилда шу мавзудаги диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, тех-ника фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди.

Мастураҳон энди илм кишиси сифатида астойдил изланди. Ўзини фанга бағишлади. Институтнинг кимё-технология факультети-даги Ноорганик моддалар технологияси ка-федрасида кичик илмий ходим сифатида иш

бошлаган Мастура кўп ўтмай катта илмий ходим бўлди, кейин доктарантурада тахсил олди.

Ўзбекистон қурилиш саноати ривожига ўз билим ва салоҳияти билан ҳисса қўшиш мақ-садидида Мастура Искандарова 1995 йилда "Сул-фат-сулфагеналюминат механизми бўйича қотадиған фосфогипс ва бошқа техноген маҳсу-лотлар асосидаги махсус цементларнинг янги турлари" мавзусидаги докторлик диссертация-сини ҳимоя қилди. Ўз билим ва тажрибалари-ни талабаларга ўргатишда давом этган олима Тошкент кимё-технология институтида етакчи илмий ходим, катта ўқитувчи, ўқув-ўқувчи бў-лим бошлиғи лавозимларида ҳам ўзининг фи-докорлигини, жонқуярлигини намойиш қилди. Ундаги шижоат, заковатни сезган раҳбарият Ўзбекистон Республикаси "Фан ва тараққиёт" илмий-технологик комплексидида ҳамкорлик-да ишлашга таклиф қилди. Мазкур ташкилотда у "Компазицион боғловчи материаллар техно-логияси" илмий-тадқиқот лабораторияси мудири сифатида фаолият олиб борди.

Бундан ташқари, шижоатли олима "Ўзоғир-газкимёлойиха" Давлат лойиҳалаш институти-да халқ хўжалигида қўлланиши зарур бўлган инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий техник асосларини яратишда етакчи эксперт, умумий ва ноорганик кимё институти қошидаги "Стром" текшириш ва сиров марказида етакчи илмий ходим, Тошкент давлат техника универси-те-ти қошидаги "Фан ва тараққиёт" давлат унитар корхонаси лаборатория мудири, Тошкент архи-тектура ва қурилиш университети қошидаги Қурилиш материалларини стандартлаштириш ва сертификатлаш маркази, Тошкент кимёвий технологиялар илмий-тадқиқот институтида давлат гранти асосида бажарилаётган илмий лойиҳалар маслаҳатчиси сифатида ҳам жонбоз-лик кўрсатди.

2009 йилда унга профессор ва Россия табиий фанлар академиясининг мухбир аъзоси, илмий унвонлари берилди, олий таълим ва илм-фан ривожига ҳамда ихтирочиликка қўшган ҳисса-си учун А. Нобель медали ва В. И. Вернадский номли кумуш медал билан тақдирланди.

Унинг раҳбарлигида техника фанлари номзоди, фалсафа доктори (PhD), фан доктори (DSc) илмий даражаларига 11 нафар номзод номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. У умумий ноорганик кимё институти Илмий кенгаши, "Ноорганик моддалар ва улар асоси-даги материаллар технологияси" ихтисослиги бўйича диссертациялар ҳимояси бўйича ил-



мий кенгаш аъзоси, "Uzbek Chemical Journal" ва "Scientific House of Science" журналлари тахри-рияти аъзоси эди.

Ўзбек илм-фанига бекиёс ҳисса қўшган азиз сиймо, жонқуяр олима, устоз ҳақида эди, дейиш нақадар оғриқли. Афсуслар бўлсинки, 2025 йил 12 майда узтос Мастура Искандарова

бу дунёни тарк этди. Лекин хотира бор экан, миллат барҳаёт.

Мастура Искандарова ўзидан эзгу ишлар, оқил фарзандлар, садоқатли ва зукко шогирдлар қолдириб кетган жаннати инсон эди. Устознинг порлоқ хотираси ҳамisha қалбларда абадий сақланади.



QISHLOQQURILISHLOYIHA

9-may —

Xotira va qadrlash kuni

bilan barcha yurtdoshlarimizni tabriklaymiz!

Yurtimiz hamisha tinch va xalqimiz hayoti farovon bo'lsin!
Saodatli kunlarning qadriga yetib, ona vatanimiz ravnaqiga hissa qo'shish barchamizga nasib etsin.



Устоз номи шогирдлар қалбида!



9 май – Хотира ва қадрлаш кuni инсон тақдири, меҳнат ва садоқат билан боғлиқ ҳаёт йўлларини ёдга олиш, уларни ёъозлаш кuni сифатида қалбларга яқин. Бу санада юрт тараққиётига ҳисса қўшган, ўз касбига ҳалол хизмат қилганлар хотираси яна бир бор тирилади.

Жамшид Сулаймонов,
Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси.

Нуриддин Ачилов ана шундай фидойи мутахассислардан бири ва у Бухоронинг қурилиш соҳасида узок йиллар самарали меҳнат қилган. Аммо, афсуски, у узок давом этган хасталик сабаб бевақт ҳаётдан кўз юмди. Унинг инсоний фазилатлари бугун ҳам яқинлари ва ҳамкасблари хотирасида эхтиром билан яшаб келмоқда.

Нуриддин Ачилов 1982 йилда Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институтини муваффақиятли тамомлаган. Меҳнат фаолиятини Бухоро вилояти Архитектура ва қурилиш бош бошқармасида бошлаган. Дастлабки йилларда ноқ ер участкаси бўлимида муҳандис, кейинчалик Госархстройконтроль бўлимида бош муҳандис сифатида ишлаб, соҳадаги илк тажрибасини шакллантирди. Орттирган амалий билим ва кўникмалари унинг кейинги фаолияти учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилган. Жумладан, 1994-1996 йилларда Когон шаҳрида бош меъмор лавозимида ишлаб, шаҳарсозлик ва архитектура масалаларида юқори салоҳиятини намоён этган.

Кейинги йилларда 20-трест ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи сифатида меҳнат қилган. Бу даврда у қурилиш жараёнларини ташкил этиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш каби муҳим йўналишларда тажрибасини оширган. 2001-2004 йилларда вилоят Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциясининг сертификатлаш бўлимида етакчи мутахассис сифатида фаолият олиб борган.

Шундан сўнг, шу тизимда бош мутахассис сифатида соҳадаги норматив-ҳуқуқий талаблар ва стандартларни жорий этишда фаол қатнашган. 2006-2018 йиллар давомида эса давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциясида қурилишда стандартлаштириш ва қурилиш буюмларини сертификатлаш бўлими бошлиғи сифатида самарали хизмат қилган. 2018 йилдан умрининг охирига қадар Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекциясида қурилиш индустриясини назорат қилиш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган.

У ҳам тажрибали раҳбар, ҳам кўплаб ёш мутахассислар учун устоз эди. Унинг шогирдлари орасида турли юқори лавозимларда фаолият юритаётган кадрлар бор. Жумладан, Истам Хамраев мазкур соҳада раҳбарлик лавозимига ча кўтарилиб, кейинчалик вафот этган. Уктам Мардонов, Умид Шокиров ҳамда Умар Джабаров сингари шогирдлари соҳада юқори лавозимларни эгаллашган. Ўзим ҳам фаолиятимда устоздан олган билим ва тарбияни давом эттиряман. Устоз берган сабоқлар, касбга масъулият ва ҳалоллик тамойиллари мен учун ибрат мактаби бўлган. Шу боис, ўрганганларимни амалиётда ҳам қўллаб келаман.

Нуриддин Ачилов оилада ҳам меҳрибон, ғамхўр ва масъулиятли инсон сифатида қадрланган. Бу оиланинг деярли барча аъзолари қу-



рилиш соҳасида фаолият кўрсатади. Масалан, турмуш ўртоғи Дилбар Камилова транспорт, йул ва капитал қурилиш ҳамда қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши раиси сифатида фаолият юритади. Қизи Гулрух Нуруллаева Бухоро минтақавий йўллардан буюртмачи хизмати ташкилотидан инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўйича бош мутахассис ҳисобланади. Ўғли Парвиз Ачилов хусусий тадбиркорлик билан шугулланиб, қурилиш соҳасида меҳнат қилмоқда. Келини Нарғиза Ҳабибова эса Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекциясида етакчи мутахассис сифатида ишлаб келмоқда.

У ўз сўзларида 2006 йилдан 2021 йилгача қайнотасининг кўл остида, бир бўлимида ишлаганини таъкидлаб, уни устоз сифатида шундай эътироф этади:

– У киши хонадонимизда барчага суянч бўлган, ҳар қандай масалада маслаҳат сўраладиган инсон эди. Ҳаётга бўлган муносабатлари, одамларга меҳр ва ишдаги масъулиятлари атрофдагилар учун катта намуна бўлиб хизмат қилган. Бугун кунда 5 нафар невараси бўлса, уларнинг бири архитектор, икkitаси қурувчи муҳандис, яна бири шифокорлик касбини эгаллаган. Буларнинг бари у кишининг ҳаёти давомида берган тарбияси ва қадриятларининг натижасидир.

Инсоннинг ҳақиқий қадрини унинг қолдирган изи, тарбиялаган шогирдлари, давом этган анъаналари орқали намоён бўлади. Нуриддин Ачиловнинг ҳаёти ана шундай мазмунли йўллардан бири сифатида эсда қолди. Унинг меҳнатга садоқати, одамларга бўлган эътибори ва касбий масъулияти бугун ҳам уни билганлар учун ибрат бўлиб хизмат қилмоқда.



Ҳеч бир соҳа йўқки, унда касб сирларини ўргатган устозсиз юксалиб бўлса! Ҳар қандай касбда ривож топиш устоз ўғити, раҳнамолиги, билим ва тажрибаси сабабли юзага келади. Шу каби қурилиш соҳасини ривожлантириб келаётган минг-минглаб устозлар борки, бугун улар тўплаган билим ва тажрибага доим суянамиз, йўл-йўриқ сўраймиз, маслаҳатлари билан иш тутиб кўзлаган мақсадга эришамиз.

Хатирчининг ривожидан унинг ҳам муносиб ҳиссаси бор!

Воҳиджон МИЗОМОВ,
Хатирчи тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи.

Хатирчи Навоий вилоятининг кўзга кўринган туманларидан бири ҳисобланади. Бугун бу туманда кўп қаватли уйлар, йирик савдо мажмуалари, ижтимоий соҳа объектлари, кўнгилочар масканлар қурилиб, аҳолига фойдаланишга топширилди. Ички йўллар асфальтланиб, сув қувурлари тортиб келинди. Бу ишларнинг ҳаммасида устозимиз – Шавкат ака Тожиевнинг муносиб ҳиссаси бор! Утган йилларда амалга оширилган қурилиш ишларига шахсан ўзи бош-қош бўлган бўлса, кейинги йиллардаги бунёдкорликлар ҳам устознинг беминнат маслаҳатлари сабабли юзага келган.

Шавкат Тожиев 30 йилдан ортиқ бир соҳада, Хатирчи тумани бош архитектори лавозимида фаолият юритди. Туманинг ҳар бир қарич ерини ёддан билади, қерда қандай қурилиш бўлган, қайси ҳудуд, қайси маҳаллада қай йили қурилиш ишлари олиб борилган, нималар эътиборга олинган барчасининг маълумотини адашмай айта олади. Туман бош режаси эса ёд бўлиб кетган. Бугун ҳам йирик қурилиш жараёнларида фикр ва таклифларини билдириб келмоқда.

Хатирчида қираверишда янги ўрнатилган стелланинг тикланишида ҳам туман ҳокими Умиджон Адизов бошчилигида устозлар, кекса отахонлар билан маслаҳатлашдик. Охирида кенгашиб, туманинг асосида чорвачилик кенг ўрин тутгани, қолаверса, бу ерда доимий тарзда миллий анъанамиз – кўпқари беллашувлари ўтказиб келинганилиги ва сара отлар етказиб берилганлиги ҳамда

от барака, ривожланиш тимсоли сифатида гавдаланиши учун югуриб кетаётган тулпорлар стеллада ўрнатилди.

Шунингдек, охириги икки йилда қурилиши олиб борилаётган соҳил бўйи лойиҳаси ҳудуд аҳолиси ва меҳмонлари учун уникал дам олиш масканига айлантирилди. Бу ерда бугунги кунда соҳил туризмни ривожлантириш учун кўнгилочар маскан ташкиллаштирилаётган бўлиб, унда турли замонавий дам олиш объектлари қад ростлади. Ушбу лойиҳа тумандаги дарё ён бағирларини ободонлаштириш ва кўркем қурилишга келтириш, дам олиш зонаси ҳамда кўнгилочар масканга айлантириш мақсадида лозим бўлган енгил конструкцияли қурилишларни ўз ичига қамраб олган. Соҳил бўйида балик овлаш, мини пляжда қуёш нуридан баҳра олиш, кўнгилочар тамошалар уюштириш, чўмилиш ва ё шунчаки тоза ҳавода чиройли жойда сайр қилиш мумкин. Соҳил бўйида 30 кВА қувватта эга кичик гидроэлектростанция қурилди. Мазкур иншоот соҳил бўйи худудини электр энергияси билан тўлиқ таъминламоқда.

Устоз Шавкат ака бугун фахрийлар сафидан, нафақада бўлсаларда, соҳадан узоқлашгани йўқ. У кишини ҳар доим қурилиш майдонларида қурувчилар билан суҳбатлашаётган ёки маслаҳат бераётган вазиятда учратамиз. Булардан ташқари, инсонийлик сифатлари, ишга нисбатан талабчанлиги, интизом, масъулият каби жиҳатларини ҳам устоздан ўргандикки, Шавкат Тожиев кўп бор таъкидлаганидек, бу жиҳатларсиз ишда унум бўлмайди. Зеро, устоз айтганидек, "Бир ишга гайрат, шижоат, масъулият билан киришиб, уни белгиланган вақтида сифатли яқунлаш керак, ўшанда архитекторнинг юзи доим ёруғ бўлади!".

105 ёшли фахрий – жасорат, меҳнат ва бунёдкорлик тимсоли



Бойсун туманидаги "Темир дарвоза" МФЙда истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, меҳнат фахрийси Шохимардон Ҳамроев 105 ёшни қарши олди. Асрга тенг умрни ортда қолдирган ушбу нуроний инсоннинг ҳаёт йўли – жасорат, фидойилик, меҳнатсеварлик ва Ватанга чексиз садоқатнинг ёрқин намунаси дидир.

Ғайрат БҮРИЕВ,
Термиз тумани ҳокимлиги
Ахборот хизмати раҳбари.

Юртимизда кейинги йилларда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш, уларнинг ҳаёт йўли ва бой тажрибасини ёш авлодга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро бу каби инсонлар ҳаёти – тарихнинг тирик саҳифалари, уларнинг хотиралари эса миллат учун беқиёс маънавий меросидир.

Шохимардон Ҳамроев ёшлик чоғларидаёқ урушнинг даҳшатли синовларига дуч келди. У фронтга йўл олиб, Воронеж, Латвия, Литва ва Эстония худудларини душмандан озод этишда иштирок этди. Оловли жанг майдонларида кечган оғир давлар, совуқ ва очлик, йўқотиш ва изтироблар унинг хотирасида умрбод муҳрланиб қолган.

– Урушнинг номи ўчсин, болам, – дея ёдга олади у ўша йилларни. – Қаҳратон қишда бир елкамда ҳалок бўлган дўстим, бир елкамда қурол-аслаха эди. Бармоқларим совуқда ҳеч нарса хис қилмас, юрагим эса музлаб қолгандек туюларди. Бугунги тинч кунларни сафдошларим кўра олмади...

Урушдан қайтгач, Шохимардон бобо тинч ҳаётда ҳам кўл қовуштириб ўтирмади. Аввало, педагогика соҳасида таҳсил олиб, Бойсун туманидаги мактабда қарийб 40 йил давомида рус тили фанидан дарс берди. У ўз меҳнати орқали юзлаб, минглаб шогирдларни тарбиялаб, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига ҳисса қўшди. Устознинг самарали фаолияти муносиб баҳолашиб, "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Шу билан бирга, урушдан кейинги йилларда мамлакатни тиклаш, қишлоқ ва шаҳарларни обод қилиш ишларида ҳам фаол иштирок этди. Бойсун туманида амалга оширилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларида, ижтимоий объектлар барпо этилишида унинг меҳнати муносиб ўрин тутди. У каби фидойи инсонлар сазой-ҳаракати билан вайрона худудлар яна гуллаб-яшнади, янги мактаблар, уй-жойлар ва инфратузилма объектлари барпо этилди.

Шохимардон Ҳамроев нафақат фронтда, балки тинч ҳаётда ҳам ҳақиқий қаҳрамонлик намунасини кўрсатди. Унинг бутун ҳаёти – Ватан равнақи йўлидаги сидқидилдан қилинган хизматлардан иборат.

Бугунги кунда 105 ёшни қарши олган Шохимардон бобо катта ва аҳил оила бағрида бахтли ҳаёт кечирмоқда. У 11 нафар фарзанд, 48 нафар невар, 70 нафар чевара ва 7 нафар эвараларнинг меҳри ва эътиборида.

– Дорилмон кунлар учун шукур қилиш, халқнинг хизматини бажариш – энг улуг бахт. Тинчликнинг қадрига етиш керак, – деди фахрий.

Дарҳақиқат, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимиз ана шундай инсонларнинг жасорати ва меҳнати самарасидир. Уларнинг босиб ўтган ҳаёт йўли, кўрсатган матонати ва фидойилиги ҳар биримиз учун ибрат мактабидир.

Шохимардон Ҳамроев каби фахрийларни эъзозлаш, уларнинг қадрига етиш – нафақат эҳтиром, балки келажак авлод олдидаги муқаддас бурчимиздир.



"O'zshaharsozlik LITI"

BOSH LOYIHA INSTITUTI DAVLAT MUASSASASI

Vatanimiz sarhadlari mustahkam, tinchligimiz abadiy bo'lib, oqibatimiz uzilmasin.

O'tganlar yodini barhayot bilib, ulardan qolgan ezgu qadriyatlarini asrab-avaylab yuraylik.

XOTIRA VA QADRLASH KUNI

munosabati bilan barchani samimiy qutlaymiz.

Baxtingiz butun bo'lsin, aziz Vatandoshlar!



Фидойи инсон хотираси қалбларда мангу яшайди

Инсонга берилган умр – бу синов, ундан қоладиган из эса – унинг ҳақиқий қадриятидир.

Дурдона ЭЛМУРОДОВА,

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси матбуот котиби.



Дарҳақиқат, инсон бу ҳаётдан ўтиб кетар экан, унинг ортидан қоладиган энг улуг мерос – бу эзгу амаллар, ҳалол меҳнат ва одамлар қалбига қолдирган илиқ хотиралардир. Юртимизда кенг нишонланадиган 9 май – Хотира ва қадрлаш куни ана шундай инсонларни ёд эттиш, уларнинг ибратли ҳаёт йўлига яна бир бор назар солиш, фидойилиklarини эътироф этиш кунидир.

Кўп йиллар давомида Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясида самарали фаолият юритган Одилжон Зиёдуллаев ана шундай умрини ҳалол меҳнатга, эл-юрт хизматига бағишлаган инсонлардан эди. У киши 1966 йил 10 январда Касби тумани "Пандирон" МФЙда таваллуд топиб, ҳозирги 26-сонли умумий ўрта таълим мактабида таҳсил олган.

"Меҳнат – инсонни улуглайди", деган ҳикматга бутун умри давомида амал қилган Одилжон ака 1990 йилда Тошкент политехника институтини тамомлаб, ўз фаолиятини Касби тумани 243-сонли механизациялашган кўча колоннасида бошлаган. Иш юритувчиликдан тортиб, ҳисобчи, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғигача бўлган йўл – бу оддий лавозимлар кетма-кетлиги эмас, балки тинимсиз изланиш, сабр ва фидойилик йўли эди.

35 йиллик меҳнат фаолияти давомида у киши қурилиш соҳасининг турли жабҳаларида ишлаб, катта тажриба ва хурмат қозонди. 2015 йилдан бошлаб (аввалги Қашқадарё вилоят давлат архитектура-қурилиш назорати) Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясида бош мутахассис сифатида фаолият юритиб, умрининг сўнгига қадар Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бошлиғи лавозимида самарали хизмат қилган.

Шу билан бирга, Одилжон ака жамоатчилик ишларида ҳам фаол бўлиб, инспекцияда касба уюшмаси раиси сифатида ҳам самарали фаолият юритган. У киши ушбу масъулиятли вазифада ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, уларнинг муаммоларини тинглаб, ечим топиш, меҳнат жамоасида аҳиллик ва бирдамликни мустаҳкамлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилган. Касаба уюшмаси орқали ходимларни қўллаб-қувватлаш, байрам ва тадбирларни ташкил этиш, эҳтиёжмандларга ёрдам бериш, жамоада соғлом муҳитни шакллантиришда Одилжон аканинг ҳиссаси алоҳида бўлган. У киши ҳар бир ходимга эътибор билан қарар, уларнинг дарду ташвишини ўзига яқин олиб, "жамоа – бу бир оила" деган тамойил асосида иш олиб борар эди.

Одилжон Зиёдуллаев камтаплик ортида кат-

та қалбни яшира олган, вазминлик ортида эса мустаҳкам ирода мужассам инсон эди. У киши учун меҳнат – шунчаки вазифа эмас, балки эътиқод эди. "Топшириқ бериш осон, аммо ёнма-ён туриб бажариш – ҳақиқий раҳбарлик", деган ҳаётий қарашни ўз фаолиятида намоён этган. Жамоада бирдамликни сақлаш, раҳбар ва ходимлар ўртасида самимий муносабат ўрнатиш билан бирга, раҳбарият томонидан берилган ҳар бир топшириққа маъсулият билан ёндашар, ўз вақтида бажаришга ҳаракат қиларди.

У киши оилада ҳам, жамиятда ҳам таянч бўла олган инсон эди. Меҳрибон турмуш ўртоқ, намунали ота, суюкли бобо сифатида яқинларининг қалбидан чуқур жой олган. Оддий ҳаётий қувончларни қадрлаган – ҳовлисида дарахт экиб, меҳнат қилиб, роҳат топган. Уйда, оила даврида боғбончилик, деҳқончилик билан шуғулланиб, фарзанду набираларга ўрнак бўлиш – унинг сеvimли машғулоти эди.

Ҳамкасблари у кишини чуқур ҳурмат билан шундай эслашади:

"Одил ака ҳеч қачон буйруқ бермас, бирга бажарамиз, дер эди. Ўзи ҳаммадан кўп ишлар эди. Вақтга бўлган ҳурмати, масъулияти биз учун ибрат эди. У киши билан ишлаш – бу тажриба мактаби бўлди. Ҳеч қандай иш-юмишдан бўйин тортмас, бу мени ишим эмас ёки менга тўғри келмайди, деб ўзини тортмасди. Ишхонада ҳашарми, байрам ёки бошқа тадбирми, ҳаммасида фаол қатнашар, самимийлиги билан инсонлар қалбини забт этарди".

Сўнгги йилларда тизимда амалга оширилган ислохотлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 апрелдаги ПФ-66-сонли Фармони асосида жорий этилган янгиликлар жамоага янги руҳ бағишлади. Ходимларнинг махсус формалар билан таъминлангани эса кўпчилик учун қувончли воқеа бўлди.

Бу қувонч Одилжон аканинг қалбига ҳам алоҳида акс-садо берган эди...

Унинг аёли Дилором опа бу лаҳзаларни кўзда ёш билан эслайди:

"Бир неча кун олдин ишхонамиздан форма берилди, энди биз ҳам махсус формада юрар эканмиз, деб жуда қувониб келган эди. Эрта сахар формаларини дазмоллаб бердим. Бош-оёқ сарпо кийган ёш боладек сеvimди. Одатда қувончини бунчалик ошқора билдирмас эди. Ўша кун кўтаринки кайфиятда ишга йўл олди. Афсуски, ишхонага етиб бормасдан, йўлда юраги хуруж қилиб, Аллоҳга омонатини топширибди..."



Бу сўзлар оддий хотира эмас – бу бир умр меҳнат қилган инсоннинг сўнгги саҳифаси, бурчга садоқат билан яқунланган ҳаёт китоби-дир.

"Яхши инсон кетади, аммо унинг яхшилиги қолади", дейдилар.

Ҳақиқатан ҳам, Одилжон аканинг ёрқин хотираси, самимийлиги, меҳнатсеварлиги ва инсонийлиги бугун ҳам ҳамкасблари, яқинлари қалбига яшамоқда.

У кишининг ҳаёт йўли – ибрат, хотираси эса абадий қадриятдир.



AGROMIR BUILDINGS

Aziz vatandoshlarimizga

9-may –
Xotira va qadrlash kuni
muborak bo'lsin.

Barchangizga sihat-salomatlik,
oilaviy baxt-saodat va farovonlik tilaymiz.
Yurtimizda hamisha tinchlik hukm sursin,
osmonimiz musaffo, tinchligimiz abadiy bo'lsin!



Тошкент – гуллар оғушида

Баҳорнинг сўнгги оғи пойтахтимизда ўзгача тароват билан бошланди. 6 май куни сарт олган "Tashkent Flowers Fest – 2026" гуллар фестивали пойтахт кўчаларига янги эстетик мазмун ва кўтаринки кайфият олиб кирди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубонаси олдидаги майдон айни дамда ранг-баранг гуллар билан безатилиб, барчада завқ уйғотмоқда. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан ташкил этилган ушбу тадбир шунчаки кўргазма эмас, балки замонавий ландшафт дизайнининг шаҳарсозлик билан уйғунлашуви намунаси.



Фестивалнинг энг эътиборли жиҳати – гулларнинг шаҳар архитектураси ва ландшафти билан моҳирона уйғунлаштирилганида. Дизайнерлар оддий майдонни бадиий композициялар марказига айлантирган.

Фестиваль ҳудудидаги энг диққатга сазовор безаклардан бири – гуллар билан безатилган "Мустақиллик монументи" композицияси.

Маҳобат ва нафосатни ўзида мужассам этган ушбу композиция миллий ғоя, ватанпарварлик туйғуси ҳамда табиат гўзаллигини бир нуктада уйғунлаштиришни билан аҳамиятлидир. Турли ранг ва шаклдаги гуллардан яратилган безаклар монументга янада тантанавор қиёфа бағишлаб, таширф буровчиларда чукур эстетик таассурот қолдирмоқда.

Шунингдек, ранг-баранг капалаклар ва гуллар билан безатилган самолёт макети, динозавр шаклидаги гулли элементлар, классик кичик автомобиллар каби эртанамо мухит фестивалнинг энг оммабоп фото-зоналаридан бирига айланган. Ушбу композиция нафақат болалар, балки катталарнинг ҳам қизиқишига сабаб бўлмоқда.

Ушбу фестивал фақат визуал гўзаллик билан чекланиб қолмаган. Тадбир доирасида таъкид санъаткорлар ва бадиий жамоаларнинг концерт дастурлари, турли интерактив кўрсаткичлар ҳамда миллий таомлар кўргазмалари ҳам ўрин олган. Бу эса, фестивални турли ёш ва қизиқишдаги инсонларни бирлаштирувчи маданий-маърифий масканга айлантирмоқда.

"Tashkent Flowers Fest – 2026" шаҳар ландшафтида маъсумий безак, балки экологик онгни юксалтириш воситаси бўлиб хизмат қилмоқда. Шаҳар ўртасида барпо этилган бу кичик "жаннат" инсон ва табиат ўртасидаги узвий боғлиқликни ёдга солади.

Эслатиб ўтамиз, ушбу фестивал 9 майга қадар давом этади.

Ўз мухбиримиз.

Тошкент – Хива: масофа яқинлашди

Тошкент – Марказий темир йўл вокзалидан илк қатновини амалга оширган "Жалолиддин Мангуберди" юқори тезликдаги электропоезди Хивага етиб келди.

Асрлар давомида қарвон йўлларининг қорраҳаси бўлган, Қизилкум барханлари оша ҳафталаб йўл босилган масофалар кўз очиб юмгунча босиб ўтилмоқда.

Илгари темир йўл орқали Тошкентдан Хивага бўлган 1022 километрик масофани босиб ўтиш учун йўловчидан камида 14 соат вақт ва катта сабр талаб қилинар эди. Эндиликда эса Жанубий Кореянинг "Hyundai Rotem" компанияси билан ҳамкорликда олиб келинган замонавий поезд бу масофани бор-йўғи 7,5 соатда забт этди.

Соатига 250 километр тезликда ҳаракатланувчи ушбу "пўлат тулпор" чўл бағрини ёриб ўтиб, икки қадимий шаҳарни бир нафасда туташирди, – деди йўловчи Саломат Ражабова ўза мухбири Аҳмадjon Шокирова. – Бу нафақат тезлик, балки юртимизнинг иқтисодий ва туристик салоҳияти янги поғонага кўтарилганининг рамзидир. Очиги йўл сафари қандай ўтганлигини ҳам унутиб қўйди. Ортиқча шовқин ва силкитишлар йўқ. Ҳамма ёқ озода. Вагон кузатувчиларининг барчаси хушмуомала, ширинсўз. Эрталаб поездга чиқдик, қарабизки мана тушликка етиб келдик. Мен ушбу электропозд қатнови йўлга қўйилганидан жуда хурсандман.

Этти вагондан иборат таркиб 389 нафар аксарияти хорижий сайёҳлардан иборат бўлди. Рейс давомида Самарқанд, Бухоро ва Урганч шаҳарларида сайёҳларнинг айримлари тушиб, айримлари эса поездга чиқишди. Бу эса мазкур қатновнинг йўлга қўйилиши мамлакатимизда туристик инфратузилма янада мукамаллашганини кўрсатади.

Ўзбекистонга келиб, ўзимизнинг "Hyundai Rotem" поездида Хивага қараб йўлга чиққанмида, худди Кореядаги тезорар поездида кетаётгандек ҳис қилдим, – деди корейлик сайёҳ Пак Санг Бу. – Фақат дераза ортида Кореянинг яшил тоғлари эмас, афсонавий Қизилкум саҳроси намоён бўлиб турарди. Бу жуда ажойиб контраст бўлди. Хива – тирик тарих. Ушбу поезд эса шу тарихга олиб борувчи энг замонавий йўлдир. Эндиликда сайёҳлар учун Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш янада жозибали бўлади.



Дарҳақиқат, ушбу поезд шунчаки замонавий транспорт воситаси эмас, балки мамлакатимизнинг кескин континентал иқлимга бардош бера оладиган муҳандислик мўъжизасидир. У Саҳронинг +50 даража жазирама иссиғида ҳам, қишнинг -40 даража қаҳратонда ҳам йўловчиларга бекаму кўст хизмат қилади.

Мазкур поезд давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан олиб келинган бўлиб, янги темир йўл йўналишлари курилиб, электрлаштириш ишлари кенг қўламда олиб борилди. Ислохотлар тўхтаб қолмайди. 2027 йилдан бошлаб ушбу тезорар поездлар қатнови Қорақалпоғистон республикаси Нукус шаҳригача узайтирилиши режалаштирилган. Бу дегани, Орол бўйи билан пойтахт орасидаги масофа ҳам худди шундай қисқаради.

Эндиликда юртдошларимиз ва хорижий сайёҳлар ушбу поездда Тошкентдан Хивага сешанба, пайшанба ва шанба ҳамда Хивадан Тошкентга эса chorshanba, жума ва яқшанба кунлари ўз манзиллари томон ҳаракатланишлари мумкин.

"Zamonaviy realtor xizmati" MCHJ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич
ошиб бориш тартибида ўтказиладиган
электрон-онлайн очик аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога Фарғона туманларо иқтисодий судининг 2025 йил 14 апрелдаги 4-1501-2501/1990-сонли ишнинг ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган "QURBON O'TA" ХИЧК суд тугатиш бошқаруви-сининг 2026 йил 5 майдаги 7-сонли алоқа хатига асосан қўйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

1. Фарғона вилояти Кува тумани, "Турк" МФЙ, Мингчинор кўчаси, 15-уй манзилида жойлашган "QURBON O'TA" ХИЧКга тегишли умумий майдони – 20,63 квадрат метр, фойдали майдони – 34,71 квадрат метр, кадастр рақами: 15:08:40:02:01:0051 бўлган 5 қаватли турар жойнинг 2-қаватида 1 хонадан иборат 8-хонадон бино иншоотлар. **Бошланғич баҳоси** – 157 827 104,00 сўм.
2. Фарғона вилояти Кува тумани, "Турк" МФЙ, Мингчинор кўчаси, 15-уй манзилида жойлашган "QURBON O'TA" ХИЧКга тегишли умумий майдони – 26,28 квадрат метр, фойдали майдони – 54,16 квадрат метр, кадастр рақами: 15:06:10:01:04:0172 бўлган 5 қаватли турар жойнинг 2-қаватида 2 хонадан иборат 9-хонадон бино иншоотлар. **Бошланғич баҳоси** – 260 753 598,00 сўм.
3. Фарғона вилояти Кува тумани, "Турк" МФЙ, Мингчинор кўчаси, 14-уй манзилида жойлашган "QURBON O'TA" ХИЧКга тегишли ер сатҳи – 700,0 квадрат метрдан иборат бўлган нотурар жой, кадастр рақами: 15:06:00:42:02:03:0807 бўлган бино иншоот. **Бошланғич баҳоси** – 260 753 598,00 сўм.

Аукцион савдо 2026 йил 9 июнь куни online-mulk.uz платформасида бўлиб ўтади. **Аризаларни рўйхатдан ўтказиш мuddати:** 2026 йил 8 июнь куни соат 18:00 гача.

Юқоридаги мулклар 2026 йил 9 июнь куни сотилмаган тақдирда, такрорий электрон-онлайн савдолар 2026 йил 10 марттаба 15 кун ораллигида ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати бир иш куни олдин соат 18:00 гача.

Савдо голибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 (ингирма) банк иш кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш юклатилади.

Талабгорлар юқоридаги мулкларнинг 10 фозидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Zamonaviy realtor xizmati" MCHJнинг қўйидаги ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион савдога рўйхатдан ўтиб тўлашлари лозим: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ "DAVR BANK" Олмасор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил: Фарғона вилояти Фарғона шаҳар, Г. Фармонов кўчаси, 13-уй.
Телефон: +99899 781-55-86, +99890 407-07-62.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 8 - 14 май саналарида
таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари **Давронжон Адиллов**, Юридик таъминлаш бўлими етакчи юрисконсулти **Оллоёр Абдуллаев**, Иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш ва эксплуатация фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Маҳаммадсобиёр Мирзобобоев**, Давлат архитектура назорати департаменти (Фарғона вилояти бўйича) бош мутахассиси **Бунёд Ҳамралиев**,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими бошлиғи **Ботирбек Баширов**, Худудий инспекциялар қурилиш-монтаж ишлари назоратини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Шухратбек Абдуллаев**,

"Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ етакчи мутахассиси **Бахтиёр Муродов**, Бино ва иншоотлар қурилиш бўйича етакчи мутахассиси **Маҳмуджон Юлдашев**,

Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий кўмитаси хузуридаги "Урбанизация ва шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш Республика маркази" ДМ директорининг биринчи ўринбосари **Воҳид Ибодуллоев**,

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти етакчи мутахассиси **Бегзод Ҳолиқов**,

"Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" Давлат муассасаси муҳандиси **Маҳмуда Ибрагимова**, қоровул **Ботир Муслимов**, фаррош **Феруза Мирқомилова**, "Марказий" филиали бош мутахассиси **Алишер Очилов**, етакчи муҳандис **Мурод Ниязов**, "Навоний" филиали Лойиҳа бош муҳандиси **Аваз Бозоров**,

"Узоғирсанотлоийҳа" АЖ ОИСК катта муҳандиси **Абдухалил Ҳасанов**, БИ БИМ менежери **Исмоил Абдусаломов**, ООПР бошлиғи **Олимбой Раҳимбердиев**, бош мутахассис **Улуғбек Тошбаев**, АСС-2 лойиҳалаштириш муҳандиси **Оқилхўжа Муборов**,

"O'zshaharsozlik LITI" ДМ Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 4-ўстахонаси лойиҳа бош муҳандиси **Шербек Носиров**, техник бўлим бошлиғи **Юсуф Қулмуродов**, техник бўлими 1-тойфали мутахассиси **Орзухон Султонова**,

Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатов тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Женисбай Ниегбаев**,

Ҳайдовчи **Қабилбек Каллибеков**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари **Ерназар Турдақов**, шўъба бошлиғи **Жамалардин Сағатқанов**, бош мутахассис **Клара Бердиқанова**,

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси мутахассиси **Жасур Шокирова**, техник **Зухра Гайнибова**,

"Иссиқлик таъминоти" АЖ Молия-иқтисод ҳамда молиявий оқимларни таҳлил қилиш ва бошқариш департаменти етакчи мутахассиси **Самандар Тўлқинов**, иш юритувчи **Севинч Қаҳрамонова**, "Бухоро" филиали қозонхона устаси **Аҳмад Акрамов**, ИТУ бошлиғи **Жасур Нуруллаев**, пайвандловчи **Тимур Рамазонов**, "Самарқанд" филиали инспектори **Юсуф Жўраев**, "Қашқадарё" филиали катта назоратчиси **Алишер Равшанов**, Фарғона вилояти "Қўқон" филиали Мижозлар бўлими инспектори **Сарвар Абдурахимов**, Навоний вилояти "Конимек" филиали иссиқлик таъминоти устаси **Сайиджиррилохон Ризоов**, меҳнатни ташкил этиш ва меъёрлаш бўйича муҳандиси **Рима Бердиева**, назорат-ўлчов асбоблари ва автоматик бўйича чилангари **Шоҳизамон Жумабоев**, Тошкент вилояти "Бекобод шаҳар" филиали 2-сонли қозонхона қоровули **Ғанижон Эрнарзоров**, "Бўстонлик тумани" филиали Товоқсой қозонхона қоровули **Алишер Чақамов**, "Қибрай тумани" филиали 3-сонли қозонхона қоровули **Хайрулла Каримов**, "Янгибозор тумани" филиали бошлиғи **Бақит Байрқулов**, "Зангиота тумани" филиали 1-сонли қозонхона оператори **Мурод Илхомов**,

Қорақалпоғистон Республикаси Тахтақўпир туманидаги "Тахтақўпир Уй-Жай Хизмат" БСК МЧЖ бош директори **Жадигер Жумамуротов**, Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги "Зилолобод" БСК МЧЖ бош директори **Ваҳоб Мелиев**, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги "Оқтепа обод хонадон" БСК МЧЖ бош директори **Мавлуда Арслонова**, Сирдарё вилояти Мирзобод туманидаги "Нурли Хаёт БСК" МЧЖ бош директори **Муножат Саломқандинова**, Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги "Термиз комфорт таъмирлаш" БСК МЧЖ бош директори **Абдуалим Бобоназаров**, Тошкент вилояти Ангрэн шаҳридаги "Angrén Kommunal Ta'mirlash" БСК МЧЖ бош директори **Гулзода Абдулазизова**, Чирчиқ шаҳридаги "Чирчиқ сервис ГР" БСК МЧЖ бош директори **Мирҳамиддин Рафиқов**, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги "Azim Uylar Servis" БСК МЧЖ бош директори **Расул Толиббоев**ларни таваллуд қилиш билан чин дилдан муборакбод этамин.

"O'ZBEKISTON BUNYODKORI" ГАЗЕТАСИГА

2026 йил учун

обуна давом этмоқда!

uzbunyodkor.uz
info@uzbunyodkor.uz
uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkor
qurilish.today

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр,
оилавий хотиржамлик, мустақкам соғлиқ тилаймиз!

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta
O'zbekiston bunyodkori
Строитель Узбекистана

Тахрир хайъати: Шерзод Хидоятлов (Тахрир хайъати раиси), Давронжон Адиллов, Тоир Алимов, Озода Жўраева, Сирожиддин Эшқувватов, Қозим Тулганов, Юлдаш Мағрулов, Бобир Элмуродов, Илхом Аҳмедов.

Тахририят: Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Райхона Жўраева
Саҳифаловчи – Ақмал Маҳкамов
Мусаҳҳих – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" Нашрият уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

"Ўзбекистон бунёдкори" Нашрият уйи МЧЖ муассислари: Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик.
"ЎЗАШҚИЛТИТИ" МЧЖ,
"ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДМ,
"Қишлоқ қурилиш инвeст" ИК МЧЖ,
"ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

Тахририят манзили: 100011, Тошкент шаҳри, Навоний кўчаси, 18-уй.

Телефонлар: 71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-208-12-00.
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

Худудлардаги мухбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоний вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буғорتما – Г. 541. 1368 нусxada босилди. Қўроғ бичими А-2. Ҳажми – 4 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган қўлезмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41.

Ўза яқуни – Топширилди – 0150.

Газетанинг навбатдаги сони 15 май куни чиқади.

**"SHAHARSOZLIK HUJJATLARINI
EKSPERTIZA QILISH
RESPUBLIKA MARKAZI" DM
va uning hududiy boshqarmalari jamoalari**

**Xotira va
qadrlash
kuni
muborak bo'lsin!**



JIGARIM

MAY

ТЫ ВСЕГДА

ERK HURRIYATI, BAHTU SAODATI UCHUN HAYOTINI QURBON QILGAN VATANDOSHIMIZ XOTIRASI
РОТЕЧЕСТВЕННИКАХ, ОДАВШИХ СВОИ ЖИЗНИ ЗА СВОБОДУ И НЕЗАВИСИМОСТЬ, СЧАСТЬЕ НА